

---

# Туман ҳокими Суфҳонжон Солиевнинг Наврӯз умумхалқ байрами муносабати билан тумандошларимизга йўллаган ТАБРИГИ

## **Қадрли юртдошлар, азиз тумандошлар!**

Айни кунларда қутлуғ қадамлари билан диёримизга кириб келаётган, яшариш ва янгиликни раҳиб, шарқона янги йил – Наврӯз байрами билан туманимиз аҳлини самимий муборакбод этаман!

Наврӯз айёми ўзининг қадимийлиги, табиатимизга уйғунлиги ва гўзаллиги, маъно-мазмунининг теранлиги билан бошқа байрамлардан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам бу айёмни ҳар бир хонадон, ҳар бир оила энг катта орзуниятлар билан кутиб оладилар. Ана шу дилбар фаслда инсонларнинг бир-бирига меҳрибонлик кўрсатиши, беморларга, муҳтожларга беминнат ёрдами, табаррук кексаларимизнинг дуосини олиши каби ноёб фазилатлар, албатта, ҳамиша яхшиликка интилишга, ўзаро меҳр-оқибатли бўлишга чорлайди.

Бугун барчамизнинг фикру зикримизни ёритган ёрқин эзгуликлар бор. Биз асрлар давомида интилиб яшаган ва курашган Мустақиллик деган бебаҳо неъматнинг қадр-қимматини теран идрок этишимиз зарур. Шундай тинч ва осуда ҳаётимиз, фаровон турмушимизга шукрона келтириб, эртанги кунга дадил қадам ташлаб бормоғимиз керак, албатта.

## **Қадрли тумандошлар!**

Ҳар бир кунимиз янгиликларга бой ўтмоқда. Ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодий ривожлантириш орқали қўлга киритаётган ютуқларимиз одамларнинг турмуш фаровонлигини оширишга, ҳаёт тарзини яхшилашга олиб келиши муқаррар. Ишлаб чиқаришнинг ривожини ободончилик ва қурилиш ишлари кўламини кенгайтиришга хизмат қилади.

Юртимизда эзгу ишларни амалга ошириб яшаш учун барча имкониятлар тўла-тўқис яратилган. Эртанги кунига ишонч билан қарайдиган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, қўлини қаёққа узатса етадиган мана шу элда яшашнинг ўзи саодат. Туманимизнинг ҳар бир фуқароси бу оддий ҳақиқатни сезиб турибди десам асло хато қилмайман. Ҳамюртларимиз ислохотлар равнақи, эл-юрт манфаати, хонадонларимиз тўқинлигини кўзлаб белини маҳкам боғлаяпти, дея қатъий ишонч билан айтишга ҳақлимиз. Негаки, республикамиз кўламида амалга оширилаётган ишларнинг бутун бўй-баста туманимиз мисолида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Янги йўллар қурилаётгани, аввалгилари таъмирдан чиқарилаётганлиги, инфратузилма объектлари бунёд этилиб, қишлоқларимиз қиёфаси ўзгариб бораётганлиги хусусида кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин.

Азиз тумандошлар!

Фурсатдан фойдаланиб, Сизларни яна бир бор яшариш ва янгиликни айёми билан табриклайман! Барчангизга сиҳат-саломатлик, узоқ-умр тилайман! Эзгу орзуниятларимиз ушалсин. Наврӯзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлиб, халқимизнинг яхши кунда, тў-ю байрамларида ёруғ юз билан учрашиш барчамизга насиб этсин. Байрамингиз яна бир бор муборак бўлсин!

2020-03-21 05:30:24